

Ўзбекистон Республикаси номидан
Х У К М

Protected by PDF Anti-Copy Free

2023 йил август ойининг 10 куни жиноят ишлари бўйича Бешариқ туман суди, ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи Н.Саломов, Б.Абдуллаевнинг котиблигида тарафлардан Бешариқ туман прокурори ёрдамчиси Б.Бўриев, судланувчи У.Рафиқжонова ва унинг ҳимоячиси О.Муминовларнинг иштирокида У.Рафиқжонова Умидахон Мамажоновнани айблаш ҳақидаги 1-1506-2302/24-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Рафиқжонова Умидахон Мамажоновна (Rafiqjonova Umidahon Mamajonovna) 18.08.1989 йилда Бешариқ туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, мавсумий ишчи, оилали 2 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Бешариқ тумани Навбахор МФЙ Нурчилар кўчаси 2/6-уйда яшайди, иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги “тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатнома нусхасини 12.07.2023 йил куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд иш бўйича тўпланган далилларни текшириб, атрофлича муҳокама қилиб, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувини эшитиб, прокурор ва ҳимоячининг музокара сўзини, судланувчининг музокара ва охирги сўзларини тинглаб қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи У.Рафиқжонова 2023 йилнинг 27 июнь куни Бешариқ тумани, Навбахор МФЙ ҳудудида жойлашган яшаш хонадонидан битта хонасини ғаразли ва паст ниятларда фуқаро У.Машрабова ва О.Ғиёсиддиновнинг жинсий алоқа қилишлари учун шароит яратиб бериши эвазига, 100.000 сўм пулларни олиб, шу пуллар эвазига У.Машрабова ва О.Ғиёсиддиновларни жинсий алоқада бўлишлари учун шароит яратиб, қўшмачилик қилгани аниқланди.

Ушбу тадбир давомида У.Машрабова томонидан фохишахона ташкил қилган У.Рафиқжоновага берилган 100.000 сўм пуллар ҳолислар иштирокида далилий ашё тариқасида олиниб, тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилган.

Судланувчи Рафиқжонова Умидахон Мамажоновна суд мажлисида, айбига тўлиқ иқроор бўлиб, 2023 йилнинг 27 июнь куни унга ўзини Умида деб таништирган аёл киши кўнғироқ қилиб, ундан таниши билан жинсий алоқа қилиш учун жой қидираётганини, агарда уларга жой топиб берса хизмат ҳақини беришини айтганлигини, у унга хизмат ҳақи сифатида 100.000 сўм беришини айтганлигини, кечга яқин Умида таниши Ғиёсиддинов Олимжон билан келиб унга 100.000 сўм пулларни берганлигини, у пулларни олиб уларни алоҳида хонага киритиб юборганлигини, бироз вақт ўтиб яшаш хонадонини 4-5 нафар фуқаролик кийимида бўлган шахслар келиб, ўзларини таништириб, ИИБ ходимлари эканини айтиб, ундан ёнидаги барча нарсаларни чиқаришни



сўрагани, у ИИБ ходимларидан нима бўлаётганини сўраганида унга нисбатан тезкор тадбир ўтказилганини айтишганлигини, ходимлар унга У.Мамажоновдан олдинги пулларни такдим қилишни сўраганида у яшириб қўйган 100.000 сўм пулларни такдим қилганлигини, ходимлар 2 нафар холислар иштирокида ксерокопиялар билан пуллар билан солиштириб кўрганида пулларнинг серия рақамларига билан бир хиллиги аниқлангани, ИИБ ходимлари мазкур пулларни холислар иштирокида баённома тузиб, текшириб кўришлик учун ашёвий далил тариқасидан олиб қўрилгани, ҳозирда у содир этган жиноий қилмишидан чин кўнгилдан айбон бўлиб, бу ҳолатлар бошқа такрорланмаслигини, қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатма берди.

Гувоҳ Машрабова Умидахон Улуғбек қизи суд мажлисида, 2023 йилнинг 27 июнь куни, туман ИИБ бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилиб, унга фуқаро Рафиқжонова Умидахон Мамажоновнанинг Бешариқ тумани, Навбахор МФЙда жойлашган яшаш хонадонидан фуқароларга моддий манфаат эвазига жинсий алоқа қилиш учун шарт-шароит яратиб бераётганлигини ва унга нисбатан қонуний чора кўришликни сўраганлигини, ушбу тезкор тадбирда ўзи ҳамда таниши О.Ғиёсиддинов билан иштирок этишга рози бўлганлигини, шундан сўнг у У.Рафиқжоновага кўнғироқ қилиб суҳбатлашиб, яшаш хонадонидан жинсий алоқа қилиш учун шарт-шароит яратиб беришини сўраганида У.Рафиқжонова рози бўлиб хизмат ҳақи 100.000 (юз минг) сўм бўлишини айтганлигини, шундан сўнг улар У.Рафиқжоновани хонадони Бешариқ тумани, Навбахор МФЙда жойлашган маҳалласи таниши О.Ғиёсиддинов билан бирга борганлигини, О.Ғиёсиддинов уларни кутиб олганлигини, У.Рафиқжонова улардан келишилган 100.000 сўм пулларни олиб у ва О.Ғиёсиддиновни яшаш уйини бир хонасига киритиб юборганлигини, орадан бироз вақт ўтиб У.Рафиқжонованинг яшаш хонадонига туман ИИБ ходимлари кириб келишиб, У.Рафиқжоновага тадбир ўтказилганини маълум қилишиб, ёнида бўлган нарса буюмларни ўз ихтиёри билан топширишини айтганлигини, шунда У.Рафиқжонова ходимларга холислар иштирокида 100.000 сўм миқдоридан пулларни топширганлигини, ИИБ ходимлари тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб далилий ашё тариқасида туман ИИБ ихтиёрига олишганлигини айтиб кўрсатув бериб ўтди.

Гувоҳ Ғиёсиддинов Олимжон Раҳимжонович суд мажлисида, 2023 йилнинг 27 июнь куни таниши У.Машрабова билан бирга туман ИИБ бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилиб, унга фуқаро Рафиқжонова Умидахон Мамажоновнанинг Бешариқ тумани, Навбахор МФЙда жойлашган яшаш хонадонидан фуқароларга моддий манфаат эвазига жинсий алоқа қилиш учун шарт-шароит яратиб бераётганлигини ва унга нисбатан қонуний чора кўришликни сўраганлигини, ушбу тезкор тадбирда У.Машрабова билан бирга иштирок этишга рози бўлганлигини, шундан сўнг Умида У.Рафиқжоновага кўнғироқ қилиб суҳбатлашиб, яшаш хонадонидан жинсий алоқа қилиш учун шарт-шароит яратиб беришини сўраганида У.Рафиқжонова рози бўлиб хизмат ҳақи 100.000 сўм деб айтганлигини, шундан сўнг тадбир иштирокчилари билан бирга У.Рафиқжоновани хонадони Бешариқ тумани, Навбахор МФЙда жойлашган маҳалласи таниши У.Машрабова билан бирга борганлигини, У.Рафиқжонова уларни кутиб олганлигини, У.Рафиқжонова улардан келишилган 100.000 сўм пулларни олиб у ва У.Машрабовани яшаш уйини бир



хонасига киритиб юборганлигини, орадан биров вақт ўтиб У.Рафиқжонованинг яшаш хонадонига туман ИИБ ходимлари кириб келишиб, У.Рафиқжонованига тадбир ўтказилганини маълум қилишиб, энди бўлган нарса буюмларни ўз ихтиёри билан топширишини айтганлигини, шунда У.Рафиқжонанига ходимларга ҳолислар иштирокида 100.000 сўм миқдоридagi пулларни топширганлигини, ИИБ ходимлари тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб далилий ашё тариқасида туман ИИБ ихтиёрига топширилганлигини айтиб кўрсатув бериб ўтди.

Судланувчи У.Рафиқжонанига жиноий қилмиши, унинг айбига тўлиқ иқрорлигидан ташқари, гувоҳ О.Ғиёсиддинов ва У.Машрабоваларнинг суддаги юқорида қайд этилган кўрсатувлари, шунингдек, ишдаги О.Ғиёсиддиновнинг аризаси (и.в 3-5), тадбирда фойдаланиш учун пулларни бериш ҳақида баённома ва фото илова (и.в 6-7), воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси ва фотоилова (и.в 9-23), тушунтириш хатлари (и.в 8-15) ҳамда бошқа далиллар билан тасдиғини топди.

Судланувчи У.Рафиқжонованинг жиноий қилмиши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган. Чунки, судланувчи У.Рафиқжонанига 2023 йилнинг 27 июнь куни Бешариқ тумани Навбахор МФЙ ҳудудида жойлашган яшаш хонадонига ғаразли ва паст ниятларда, даромад орттиришни режалаштириб, шу куни соат тахминан 21 ларда фуқаро У.Машрабова билан телефон орқали гаплашиб, ундан О.Ғиёсиддинов исмли таниши билан хонадони бир хонасида жинсий алоқада бўлишлари учун шароит яратиб бериши эвазига, 100.000 сўм пулларни У.Машрабовадан олиб, шу пуллар эвазига О.Ғиёсиддинов ва У.Машрабоваларни жинсий алоқада бўлишлари учун шароит яратиб қўшмачилик қилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида “Жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон кадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди. Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак. Жазолашдан кўзланган мақсадга ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддаларида назарда тутилган енгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкин” деб, 8-моддасида “Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилна бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбдорнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига мувофиқ бўлиши керак” деб, 10-моддасида “Қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт” деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кунги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” ги Қарорининг 1-бандида “жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилиш керак” деб, 3-бандида “ЖКнинг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдорнинг



шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб, 5-бандида “судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, шунингдек унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун қонунда мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари керак” деб тушинтириш берилган.

Суд, юқоридаги қонун ва Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорлари талабларига амал қилган судланувчи У.Рафиқжоновага жазо тури ва меъёрини тайинлашда, жазони оғирлаштирувчи ҳолат йўқ деб жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб айбига тўлиқ иқрорлигини ва содир этган жиноий қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, шахсини, муқаддам судланмаганини, оилавий шароитини, аёл қиши эканлигини, моддий ахволини инобатга олиб, унга нисбатан модда жазо санкциясида кўрсатилган мажбурий жамоат ишлари жазосини тайинлашликни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 465-468, 471 473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Рафиқжонова Умидахон Мамажоновна Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилсин.

У.Рафиқжоновага Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 1-қисми билан ҳақ тўланмайдиган фойдали жамоат ишларини бажаришга мажбурий тарзда жалб қилишдан иборат 120 (бир юз йигирма) соат мажбурий жамоат ишлари жазоси тайинлансин.

Жазо ҳукми ижро этувчи органлар белгилаб берган жойларда ўташи белгилансин.

Жазо муддати У.Рафиқжонова жазо ўташни бошлаган кундан ҳисоблансин.

Жазо ижросини назорат қилиш Бешариқ туман ИИО Пробация гуруҳи инспекцияси зиммасига юклатилсин.

У.Рафиқжоновага нисбатан қўлланган муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги “тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Жиноят иши бўйича У.Рафиқжоновадан ашёвий далил тариқасида олинган тадбирда ишлатилган 1 дона 100.000 сўмлик купюрадаги жами 100.000 сўм пул маблағи У.Машрабовага тилхат орқали қайтарилгани инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи нусхасини олган кундан бошлаб, йигирма сутка ичида шу суд орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериш ва прокурор протест билдиришга ҳақлидир.

Ҳукм нусхаси аслига тўғри.

Раислик қилувчи:

Н.Саломов

